

✓

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo'rg'on shahar
HOKIMI
QARORI



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
города Каттакурган
Самаркандской области
Республики Узбекистан

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

2018 y.г. «09» сентябрь № 954-4 Kattaqo'rg'on sh. – г. Каттакурган

Каттакўрғон шаҳридаги собиқ “Каттакўрғон МТП” МЧЖ ҳамда Ингичка кўрғонидаги “Ингичка кони” АЖ ҳудудини ичимлик ва техник сув билан таъминлаш мақсадида сув иншоотларини қуриш учун ер майдони ажратиш ва сув тармоғини қуришга рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Самарқанд вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 16-мартдаги ПҚ-3607-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17-18-март кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнида берилган топшириқларни ижросини таъминлаш мақсадида собиқ “Каттакўрғон МТП” МЧЖ ҳамда Ингичка кўрғонидаги “Ингичка кони” АЖ ҳудудида ташкил қилинган кичик саноат зонаси ҳудудига 1,0 км сув тармоғи тортишга ер майдони ажратиш тўғрисидаги шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг далолатномаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6 ва 25 моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17-18 март кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг далолатномаси тасдиқлансин.
3. Каттакўрғон шаҳридаги собиқ “Каттакўрғон МТП” МЧЖ ҳудудида ташкил қилинган кичик саноат зонаси ҳудудидан янги сув иншоотлари қуриш учун доимий 0,6 га ҳамда Ингичка кўрғонидаги “Ингичка кони” АЖ ҳудудида ташкил қилинган кичик саноат зонаси ҳудудига 1,0 км. сув тармоғини мавжуд сув ховузига ўланган ҳолда тортишга рухсат берилсин.
4. “Сувокова” ДУК шаҳар филиали (А.Мамедов)га тегишли хужжатларни тўплаш, вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компаниясига топшириш юклансин.
5. Шаҳар бош архитектори (О.Розиқов) ва Самарқанд вилоят “Ермулккадастр” ДКнинг Каттакўрғон шаҳар филиали (У.Туропов)ларга таяёрланган ер майдонини жойнинг ўзида қурилиш ишларини бошлаш учун мазкур ажратилган ер майдонини жойнинг ўзида (натурада) кўрсатиб ўлчаб бериш ва тегишли далолатнома асосида топшириш юклатилсин.
6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари И.Маматов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими

М.Ҳашимов